ZBEKISTON RESPU
ADLIYA VAZIRLI
PROKUROR NIZOM
GA TUMAN
03-07-2002 y.
№ 210

Киргули тумани прокурори
Ким Ю.А.га

Нусхалари;- Маргилон шахар Зухро кучаси 31 уй
31 хонада яшовчи Тожибоева М.И.га

Киргули тумани Тургенева кучаси
23 «б» уй 23 хонада яшовчи
Зайлопов Т.га

Жиноят ишлари буйича Киргули тумани суди Сизга Киргули тумани ИИБси томонидан Узбекистон Республикаси Маъмурий Жавобгарлик тугрисидаги Кодекснинг 194 моддаси 1 кисми ва 183 моддалари билан фукаро Маргилон шахар Зарафшон кучаси 286 уйда руйхатда турувчи, руйхатсиз Маргилон шахар Зухро кучаси 31 уй 31 хонадонда яшовчи ТОЖИБОЕВА МУЬТАБАР ИБРАГИМОВНАга нисбатан тупланган маьмурий баённома ва унга илова килинган хужжатларни урганиб чикиб,куйидаги асосларга кура мазкур маьмурий материални кушимча суриштирув харакатлари олиб боришлик учун юбормокда:

-чунки, фукаро Тожибоева М.И. суд мажлисида узининг берган баёнотида «2002 йил 03 июль куни соат тахминан 10.00 лар чамасида Жиноят ишлари буйича Фаргона вилоят суди биноси олдида тегишли ваколатли органлар ва хокимликдан рухсат олмаган холда оммавий тадбир («пикет») утказишлигини, вилоятдаги рахбарлар, хукукни мухофаза килувчи ходимларнинг харакатларидан норози эканлигини ва бошка ноконуний харакатлар содир этилаётганлигини, узи эса Маргилон шахар ХДП кошидаги «Ут-юраклар клуби»рахбари вазифасида ишлашлигини, хамда Буюк Британиядаги «Уруш ва тинчликни ёритиш институти»ни мустакил мухбири эканлигини, бир неча радиотулкинларда мустакил маколалар билан чикишлигини, ушбу маколаларни чикариш учун унга нисбатан тазйик булаётганлигини, шунинг учун унга нисбатан маьмурий баённома тузилиб, туман судига мазмунан хал этишлик учун юборилганлигини» билдирди. Бундан ташкари, судда суралган Сайнаев Й., М.Раджапов ва Тешабоева С.лар уз баёнотларида фукаро Тожибоева М. хакикатдан хам «вилоят рахбарлари ва хукукни мухофаза килувчи орган ходимларидан норозилигини билдириб, уларга нисбатан ноурин гапларни гапирганлигини»курсатиб утдилар.

- юкоридагилардан ташкари фукаро Тожибоева М.И. уз баёнотида унга нисбатан хукукни мухофаза килувчи орган ходимлари томонидан тазйик булиб, унга нисбатан тан жарохати етказганликларини, унга нисбатан туман ИИБси бошлиги номига ариза билан мурожаат этган Зайлопов Т.ни хозирда посбон вазифасида ишлашлигини, шунинг учун унга нисбатан ушбу маьмурий материал уюштирилганлигини,унинг конуний хукуклари бузилганлигини хам курсатиб утди,

Юкоридаги курсатиб утилган холатларга асосан Киргули туман ИИБси томонидан фукаро Тожибоева М.га нисбатан Узбекистон Республикаси МЖтКнинг 183 моддаси ва 194 моддаси 1 кисмига асосан тупланган маьмурий материални туман суди томонидан мазмунан хал этиб булмайди хамда курсатиб утилган холатлар тулигича текшириб чикилиши лозим булади.

Илова; 14-182\02-сонли маъмурий хужжатлар 43 варокдан иборат,
хамда суд мажлиси суратга олинган видеотасма.

Изох; Суд мажлисининг баёномаси туман судининг суд залида «ДЕУ» русумли компютерида ёзиб олинди.

Жиноят ишлари буйича
Киргули тумани судининг